

Диний таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бошланди



16:13 / 29.07.2025 942

Бугун, 29 июль куні Тошкент шаҳридаги «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига 2025-2026 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари бошланди.





Айни вақтда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юртига кириш учун қабул имтиҳонлари ўтказилмоқда.

Мазкур жараёнда Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул раҳбарлари, диний таълим муассасалари мутасаддилари, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди ходимлари, имтиҳон олувчи педагог-ўқитувчилар, абитуриентлар иштирок этмоқда.

Дастлаб абитуриентлар тартиб билан киритилиб, уларга мутасаддилар томонидан тест синови ўтказилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тушунтирилди. Шундан сўнг тест имтиҳонига старт берилди.

Имтиҳон жараёнлари соат 07:00 да бошланиб, 17:00 гача давом этади. Абитуриентлар мадрасага кириш учун хорижий тил, маънавият ва маърифат, Ўзбекистон тарихи фанидан, олий маҳадга қиравчилар эса фикҳ ва ақоид, тарих ва хорижий тил фанларидан имтиҳон топширмоқдалар. 29-31 июлгача, яъни уч кун давомида жами 2700 нафарга яқин абитуриентнинг имтиҳон топшириши режалаштирилган бўлиб, ҳар куни ўртача 800 нафардан ортиқ абитуриент қабул синовларида иштирок этиши кўзда тутилган. Мажмуада абитуриентлар учун барча қулайликлар ҳозирланган.

Имтиҳон жараёни адолатли ўтиши учун соҳа мутахассислари билан бир қаторда турли ташкилот вакиллари ҳам жалб этилган.

Маълумот ўрнида, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига 2025-2026 ўқув йили учун 6749 нафар абитуриент ҳужжат топширган.

